
#Жараён 28/06/2024 СОҶА ФИДОЙИЛАРИ МЕҶНАТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

???? 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тантаналари "Grand kafe" да давом этиб, файзли дастурхон ёзилиб, байрам дастури ташкил этилди. Маҳоратли қалам эгалари, ўткир идрок, сезгир нигоҳ соҳиблари жам бўлишди. Жасоратли ва элпарвар соҳа фидойилари меҳнати яна бир бор эътироф этилди.

Байрам тадбирига туман ҳокими Ғанижон Солиев, туман ИИБ бошлиғи Фахриддин Ҳайитов ташриф буюриб касб байрами нишонланаётган ОАВ вакиллари самимий қутлашди.

Журналистиканинг жамият тараққиётидаги, аҳоли ҳаётини яхшилашдаги ўрни, Ахборот хизматини ҳокимликнинг аҳоли билан мулоқоти ўртасидаги кўприк сифатида бажараётган ишлари ҳақида тўхталиб, ушбу соҳага юқори баҳо берди ва бир гуруҳ ижодкорларга байрам табриги ва совғаларини топширди.

Бағдод тумани ҳокимлиги томонидан ташкил этилган байрамга таклиф этилган устозлар журналистлар бирдамлиги акс этган тантана кўтаринки кайфиятда ҳамда самимиятда ташкилланганини эътироф этишди.

@bagdodim_news

2024-06-28 19:39:12